

**“ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ”
МАРКАЗИ**

ПРЕСС-РЕЛИЗ

2019 йил 8 май куни “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти ҳамда Америка тинчлик институти билан ҳамкорликда “Маҳаллий даражада зўравон экстремизмга қарши туриш: турфа ёндашувлар, узвийлик ва синергиялар” мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

Пойтахтимиз ва Самарқанд шаҳрида икки кун давом этган семинар якуни сифатида ўтказилаётган тадбирда “Тараққиёт стратегияси” Маркази ва “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти, Америка тинчлик институти вакиллари, қатор хорижий ташкилотлар ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан таклиф этилган экспертлар, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Мулоқот тадбирини “Тараққиёт стратегияси” маркази раҳбари Элдор Туляков очди ва олиб борди. У ўзининг кириш сўзида бағрикенглик ўзбек халқи маънавияти ва маданиятининг ажралмас қисми экани, юртимизда истиқомат қилиб келаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Хусусан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани, бу борада кўрилаётган амалий чораларга тўхталиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюцияни қабул қилиш тўғрисидаги ташаббус кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди. Буни мазкур ташаббус асосида БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияси қабул қилингани ҳам яна бир бор тасдиқлади. Ушбу ташаббуснинг асосий мақсадларидан бири, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни камситишга йўл қўймасликка ёрдам бериш ҳисобланади. Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чоралар халқаро майдонда мамлакатнинг дин ва эътиқод эркинлиги, бағрикенглик ва ўзаро ҳамжиҳатлик, маърифат ва барқарорлик, тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббусларнинг самаралари эътироф этилмоқда.

Очик мулоқот иштирокчилари ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди. Сўзга чиққанлар бир қатор муҳим масалалар бўйича маълумотлар келтиришди. Жумладан, таҳлиллар Яқин Шарқ, Афғонистон, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё ҳамда Африкада терроризм фаоллашиб бораётганини кўрсатаётгани, террорчилик гуруҳлар ва уларнинг бўлимлари интернет орқали узоқдаги

издошларини ҳужумлар содир этишга илҳомлантириб, фаол тарзда яширин усулларни қўллаётгани минтақа учун ҳам муҳим эканини таъкидлашди.

Таҳлилчилар келтирган маълумотларга кўра, 2001-2015 йиллар жаҳон бўйлаб қайд этилган 85 минг терроризм ҳолатларидан 62 таси Марказий Осиёда рўй берган. Минтақада бошқа мусулмон давлатларида бўлгани каби яхши ташкиллаштирилган исломий экстремист ташкилотлар мавжуд эмас. АҚШ томонидан "террорчи" дея тан олинган 61 ташкилотдан 2 тасининг Марказий Осиё билан алоқаси бор, холос. Аммо бу хотиржамликка етарли эмаслигига муҳокамалар чоғида алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокамалар давомида Марказий Осиёнинг энг йирик давлат – Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи, умуман минтақада яшовчиларнинг слмоқли қисми ёшлардан иборат эканлиги инобатга олиниб, уларнинг камолотига оид зарур ва ҳаётий ислохотлар аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, ҳуқуқий маданият, диний-ахлоқий маърифатни юксалтиришда мамлакат тажрибасини оммалаштириш, дунёнинг энг нуфузли ташкилоти томонидан Ўзбекистон ташаббуси асосида қабул қилинган резолюция аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ижтимоий реабилитация, экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган ва ўз хатосини англаганларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича тизимли ишлар таҳлил қилиниб, уларни янада ривожлантириш, самарадорлигини ошириш борасида таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, маърузачилар томонидан терроризмнинг оммалашувиغا қарши курашда маҳаллий даражада жамоатчилик билан олиб бориладиган ишлар бўйича ҳам фикр алмашилди.

Бу борада халқаро экспертларнинг қарашлари, кузатиш ва таҳлиллари натижалари тингланди. Албатта, терроризм ва экстремизм Марказий Осиё давлатлари учун умумий хавф-хатар ҳисобланади. Бу эса, таҳдидларга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларидан келиб чиққан ҳолда, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришнинг аҳамияти ҳамда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг ўрни иштирокчилар диққат марказида бўлди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази Ахборот хизмати